

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 10 январь, № 7 (7509) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАРЧА ХИЗМАТЛАР УЧУН ЯГОНА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни илгари сурган эди. Мақсад одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳар қандай қулайликлар яратишдан иборат.

Бунинг учун, аввало, расмий идораларга у ёки бу юмуш билан мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маблағини тежаш, айниқса, сарсон-саргардонликка барҳам бериш, қолаверса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит, замонавий, ишончли тизимини яратишга киришилди.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 декабрь куни “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Унга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб агентлик тасарруфидаги давлат хизматлари марказлари фаолият юритиб келмоқда. Оддий одамлар учун қулай, кўркам бўлган 80 дан ортиқ инновацион бинолар жисмоний ва юридик шахсларга хизмат қилиб келаётган бўлса, бугунги кунда яна 94 та шундай иншоотни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, олис жойларга чиқиш орқали (“мобил давлат хизматлари”) қулай ва шаффоф тарзда сайёр хизматлар ҳам кўрсатиляпти.

Бугунги кунга келиб, давлат хизматлари марказлари орқали “ягона дарча” тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 миллионтадан ошган.

Сўнгги икки йилда жойларда 86 та Давлат хизматлари маркази очилди. Энг кўп мурожаат қилинадиган 36 турдаги хизматлар бўйича ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Масалан, илгари ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун паспорт, тиббий маълумотнома, имтиҳон варақаси, эски гувоҳнома, расм ва энг кам иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида тўлов талаб қилинган. Эндиликда эса фақат учта нарса: эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи ҳажмида тўлов керак, холос.

Ўтган йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг яшаш жойидан ва ташкилотларнинг манзилидан қатъи назар, исталган марказ орқали давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу одамларга жуда катта қулайлик яратиб, сарсонгарчиликдан халос этди.

Масалан, Тошкентдаги университетга Нукусдан келиб ҳужжат топшириш учун камида 2 миллион сўм харажат қилинган бўлса, ҳозир исталган марказга мурожаат қилиш кифоя.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, 94 та янги марказ барпо этилишини аксар ҳолларда хусусий сектор билан шерикликда амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу дастлабки қадамлар экани, аҳолига қулайликларни янада кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Аввало, “ягона дарча” тамойили тўлиқ ишлаши учун барча давлат хизматлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва маълумотлар рақамлаштирилиши лозимлиги қайд этилди.

Ҳозирги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилинган. 53 идорада маълумотлар рақамлаштирилмаган. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, экология, қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган.

Шундай маълумот алмашинуви йўқлиги сабабли 2019 йилда қурилиш, табиий газ, иссиқ сув ва ичимлик суви таъминоти борасида хизмат кўрсатиш муддатлари бузилган.

Шу боис йиғилишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига барча идораларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонини йил якунигача камида 5 бараварга ошириш, 2025 йилгача тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш мақсад қилиб қўйилди.

Аҳолининг 75 фоизи интернетга мобил қурилмалар орқали кираётганини инобатга олиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил версиясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди. Узоқ ҳудудларда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида давлат хизматлари марказининг 50 дан ортиқ филиалларини ташкил этишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани қўллаган ҳолда, одамларга бир мурожаат асосида қўшимча комплекс хизматлар кўрсатиш ҳамда фуқаронинг мурожаатисиз ҳам унга керакли хизмат турларини таклиф қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Мисол учун, фарзанд туғилиши билан унга туғилганликни қайд этиш, нафақа белгилаш, яшаш жойига рўйхатга ва тиббиёт муассасасига ҳисобга қўйиш, болалар боғчасига навбат каби хизматлар бир йўла тақдим этилса, ота-оналарга ғоят қулай бўлади.

Йиғилишда ушбу тизимни эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида, кейинчалик бошқа ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш юзасидан топшириқ берилди.

Президентимиз кўплаб хизматлар учун электрон рақамли имзо талаб қилиниши одамларга қийинчилик туғдираётгани, айниқса, бу тадбиркорларнинг энг оғриқли нуқтаси эканини таъкидлади.

Электрон рақамли имзодан компьютер орқалигина фойдаланиш мумкин. Тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун солиқ идораси калити, божхона ҳужжатлари учун божхона калити ва ҳисоб рақами билан ишлаш учун банкнинг электрон рақамли имзосини олиши шарт. Бу калитларни олиш учун ҳар бир идорага алоҳида-алоҳида бориб, уни харид қилиши, тағин муайян муддатда яна маблағ сарфлаб янгилаши керак.

Президентимиз томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда электрон рақамли имзо талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу йил 1 июлгача ҳамма хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



# ЯНГИ АВЛОД — ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда илгари сурилган фикр ва ғоялар, белгиланган вазифалар катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Республика Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган очиқ мулоқот мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатида юз бераётган туб ўзгаришлар мазмун-моҳияти, хусусан, буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ўтказилган учрашувда билдирилган ғоя ва ташаббуслар аҳамияти, янгиланаётган Ўзбекистон тараққиётида, истиқболида навқирон авлоднинг тутган ўрнига бағишланди.

“Янги авлод — янги ташаббуслар” шиори остида уюштирилган мулоқотда бадиий ижод ва журналистика соҳасида қалам тебратаётган, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият олиб бораётган фаол йигит-қизлар юртимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, Президентимиз иштирокида ўтган учрашув таассуротлари, шунингдек, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини айтдилар.

➡3

## Секторлар фаолиятидан

# КУННИНГ ИСТАЛГАН ПАЙТИДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН

*“Обод маҳалла” дастурига киритилмасдан туриб ҳам маҳаллаларни ҳар жиҳатдан кўркам қиёфага келтириш мумкинми? Ушбу саволга Гулистон шаҳридаги 2-сектор ҳудудида амалга оширилаётган ишлар мисолида “Мумкин” деб жавоб берса бўлади.*

Аввало, таъкидлаш керакки, бу секторнинг фаолияти самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мос равишда 18 та идора ва ташкилот мутахассисларидан иборат штаб аъзолари таркиби шакллантирилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Бу борадаги асосий жиҳат шуки, ҳар бир аъзога соҳасидан келиб чиққан ҳолда, аниқ вазифалар тақсимланиб, улар фаолияти устидан кунлик режа асосидаги назорат тизими жорий этилган. Аҳамиятлиси, фуқаролар сектор штабига куннинг исталган вақтида мурожаат қилиши мумкин.

— Асосий эътибор аҳолининг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал қилиш, сектор доирасидаги ишларни юқори сифатда ташкил этиш, одамлар билан очиқ, юзма-юз мулоқотни кучайтиришга қаратилмоқда, — дейди Гулистон шаҳар 2-сектори раҳбари, шаҳар прокурори Жамшид Восиев. — Биргина ўтган йилнинг 9 ойи давомида уйма-уй юриш, оммавий сайёр қабуллар ва учрашувлар ўтказиш, фуқароларнинг Халқ қабулхоналари ва сектор штабига мурожаатлари, ижтимоий соҳа объектларини ўрганиш давомида аниқланган жами 1030 та муаммоли масаладан 853 таси ҳал қилинди. Қолганларини бартараф этиш юзасидан чоралар белгилаб олганмиз.

Айтиш лозимки, кўп қаватли уйларнинг катта қисми шаҳарнинг 4, 5-мавзеларида жойлашган. Йиллар давомида 89 та ана шундай тураржойнинг деярли барчасида муаммолар йиғилиб қолган, уларнинг атрофи, йўлак ва кўчалар зим-зиё эди. Бу эса аҳолига қийинчилик туғдириши билан бирга, жиноятчилик ва бошқа ноxуш ҳолатлар содир бўлиши учун “қулай шароит” ҳам ҳисобланарди. Секторда, аввало, мана шу масалага жиддий эътибор қаратилди. Қисқа муддат ичида ҳудуд чароғон бўлди. Бутун ҳудуд видеокузатув назоратига олинди. Шу билан бирга, биноларни таъмирлаш, коммуникация тармоқларини тартибга келтириш каби ишлар ҳам режали ташкил қилинди. Ва тез орада шаҳарнинг энг кўп аҳоли яшайдиган бу мавзелари қиёфаси тубдан ўзгарди.

➡3

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРАЁТГАНИНИ ИСБОТЛАДИ

## БУНИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

*Дунё турли алғов-далғовлар, сиёсий ўйинлар, жангу жадаллардан чайқалиб турган ғоят мураккаб бир замонда эзгулик, тинчлик туғини кўтарган, инсонпарварлик жамиятини бунёд этишга отланган янги Ўзбекистон ҳақида дўстона, самимий тилаклар, олқишлар эшитсанг, рости, юрагинг ўзгача ҳаяжонга тушади, ифтихор туйғусидан кўзингга ёш келади.*

## Муносабат

Ўтган йил якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар жараёнида иштирок этган юзлаб халқаро кузатувчилар, экспертлар юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди. Дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг “The Economist” журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислоҳотларни амалга оширган давлат — “Йил мамлакати” дея эътироф этди.

1843 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ушбу машҳур журнал томонидан юртимиз шундай юксак номга, яъни жадал суръатда ўсишга эришган мамлакат мақомига лойиқ, деб топилгани, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида эришилаётган муваффақиятлар, халқимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти, иродасига берилган муносиб баҳодир.

Мақолада республикамизда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, минтақадаги энг катта қамоқхонанинг ёпилиши, хорижий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилганлиги ва қўшни давлатлар билан алоқаларни яхшилаш мақсадида қатор чегара пунктларининг очилиши алоҳида тилга олинган. Хусусан, “Ҳукумат мажбурий меҳнатни йўқ қилди. Мудҳиш номи билан танилган қамоқхона ёпилди. Хорижлик журналистлар мамлакатга киритилмоқда. Давлат иқтисодиётини қуриш учун хорижлик технократлар таклиф этилмоқда”, деган сўзлар билан бир қаторда, “Ўзбекистон ҳали узоқ йўл босиши керак, аммо ҳеч қайси бир давлат 2019 йилда Ўзбекистончалик олға қадам босгани йўқ”, дея хулоса қилган.

Дарҳақиқат, жуда қисқа вақт ичида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, минтақамизда қўни-қўшнилар билан узилиб қолган ришталар тиклангани катта воқеликдир. Биргина Фарғона вилояти мисолида оладиган бўлсак, қўшни Қирғизистон ҳудуди билан чегаралар 400 километрдан зиёдни ташкил этади. Мазкур мамлакат орқали ўтиладиган анклав ҳудудлар бўлмиш Фарғона туманининг Шоҳимардон, шунингдек, Сўх тумани аҳолиси вилоятдан амалда узилиб қолган, озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги, қимматлиги аҳоли норозилигига сабаб бўлар, муаммоларнинг охири кўринмасди.

➡3

## Янгилик

# ҚИШДА ҲАМ ИПАК ҚУРТИ БОҚСА БЎЛАДИ



*Мутахассисларнинг айтишича, битта пилладан 1 500 метргача ип олинади. Етарлича озиқланмаган ипак қурти ўраган пилладан эса атиги 500 — 600 метр ип чиқаркан, холос. Устига-устак, узилувчанлиги юқорилиги туфайли ундан тўқилган матонинг сифати ҳам паст бўлади. Шунинг учун бугун юртимизда ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.*

2020 йилдан тут дарахтларини ғайриқонуний кесганлик, зарар етказганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жариманинг 50 фоизи янги тут кўчатлари экиш учун йўналтирилиши белгиланганини бунга бир мисолдир.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятининг 2019 йил якунлари ва 2020 йилда амалга ошириладиган истиқболли режаларга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, уюшма томонидан 2019 йилда 2 248,5 гектарда янги тутзорлар ташкил этилиб, тутзорларнинг умумий майдони 48,5 минг гектарга, якка қатор тутлар сони эса 79,7 миллион тупга етказилди. Шунингдек, тутзорлар олдида 650 дан ортиқ куртхоналар қурилди. Натижада Ўзбекистон пиллачилиги тарихида илк бор бир йилда 4 марта пилла етиштирилиб, жами 19,6 минг тонна “кумуш тола” олинди. Бу кўрсаткич 2018 йилдагига нисбатан 1,6 минг тонна кўпдир.

➡3



# Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси:

# ИНСОФЛИ ВА ҲАЛОЛ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ



**Жорий йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси асосида қандай ўзгаришлар бўлди ва улар халқимизга нима наф беради? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.**

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли ва ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритаётганларнинг қонуний ишлаши учун шарт-шароит яратишга хизмат қиладиган нормаларга кенг ўрин берилди. Бундан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг солиқдан қочиш эмас, балки уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишига эришишдан иборатдир.

Кодексни ишлаб чиқиш жараёнида депутатлар солиқ муносабатлари билан боғлиқ қоида ва нормалар қўлланилишини енгиллаштириш, ундаги зиддият ҳамда тушунмовчиликларни тугатиш, инсофли солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоялаш, солиқ назоратининг шакл ва механизмларини соддалаштириш юзасидан амалий таклифлари билан фаол иштирок этишди.

Ўз навбатида, солиқ объектлари ва солиқ тўловчилар ҳисобини юритиш, шу муносабатларда инсон омили таъсирини камайтиришни таъминлайдиган ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш каби масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Масалан, солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини янада камайтириш ҳамда қонунчилик техникаси талабларидан келиб чиқиб, солиқ органлари томонидан киритилаётган молиявий санкцияларни кўзда тутувчи 10 дан зиёд моддалар кодексдан чиқариб ташланди.

**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мазкур ҳужжатда солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилангани ҳолда, уларнинг жавобгарлиги ҳам кучайтирилди.

Кодексда асосий воситалар объектлари, шу жумладан, кўчмас мулк объектлари харид қилинганда (барпо этилганда) қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) бир йўла ҳисобга олинишини назарда тутувчи тартиб жорий этилиши муносабати билан солиқни тўлаш тартиблари соддалаштирилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими тубдан ўзгартирилди. Яъни батафсил камерал текширув ўтказилганидан кейин ҚҚС бўйича "манфий" қолдиқ суммасини қайтариш ҳуқуқи тақдим этилади.

Солиқ тури 13 тадан 9 тагача камайтирилди. Ягона ер солиғи, давлат божи, божхона тўловлари ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди.

Солиқ тўловчилар учун таҳлика-таҳлил асосида солиқ назоратининг янги тартиби (камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити) жорий этилди. Таҳлика-таҳлил дастури фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектларини муайян мезонлар асосида, хавфлилик даражасига қараб, инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда 3 та сегментга (яшил йўлак, сариқ йўлак, қизил йўлак) ажратади.

Хавфлилик даражаси паст бўлган (яшил йўлакча) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юқори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади.

Хавфлилик даражаси ўртача бўлган (сариқ йўлакча) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато-камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳисоботини тузатиш имкони берилади ҳамда уларга нисбатан молиявий ва маъмурий жарималар қўлланилмайди.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатларини ва ҳисобварақ-фактураларини сохталаштириш ҳолатлари аниқланган хавфлилик даражаси ўта юқори бўлган (қизил йўлакча) корхоналарга нисбатан солиқ аудити текшируви тадбирлари амалга оширилади. Ўз-ўзидан аниқки, бундай корхоналар доимий назоратда бўлади.

**Адҳам НАЗИРҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш вазифаси белгиланган эди. Шунга кўра, ушбу кодекс орқали солиқ органларининг солиқ тўловчининг солиқ қарзини ундиришни унинг дебиторига қаратиш ҳуқуқи бекор қилинди. Солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш учун жавобгарлиги кучайтирилди. Ортиқча ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар суммаларини, ушбу суммаларни ундириш (тўлаш) даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фоизларни инобатга олган ҳолда қайтариш тартиби белгилаб қўйилди.

Айнан шу тартибда ортиқча тўланган солиқ суммасини ўз вақтида қайтариш ва ортиқча ундирилган солиқ суммасини ҳисобга олиш (қайтариш) механизми жорий этилди. Шу билан бирга, солиқ суммасини қайтаришда ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқ органи томонидан солиқ тўловчига фоиз тўлаш назарда тутилган.

**Абдуғани УМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан солиқ тўлови жорий этилди. Шу билан бирга, бир қатор махсус солиқ режимлари бекор қилинди. Масалан, бозорлар учун уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб аввалги солиқ тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига янгилари жорий қилинди. Энди бозорлар умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса), жумладан, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қўшилган қиймат солиғи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солиғини тўлайди. Реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан кам бўлганда, айланмадан солиқ, шунингдек, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари умумбелгиланган солиқ тўлашга ёки айланмадан солиқ тўлашга ўтказилмоқда. Шунингдек, ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг ноль ставкаси белгиланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғида ва томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғида имтиёзлар сақлаб қолиняпти.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Тадбиркорлик субъектлари манфаатларини инобатга олган ҳолда, солиқ органларига таҳлика-таҳлил асосида камерал солиқ текширувлари, сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудитини тайинлаш ҳуқуқини берадиган солиқ назоратини амалга оширишнинг янги, такомиллаштирилган тартиби жорий этилмоқда.

Солиқ кодексига биноан, солиқ текширувларининг бир нечта тури ўрнатилмоқда. Хусусан, камерал солиқ текшируви (солиқ тўловчининг ҳисоботини солиқ органида ўрганиш ва уни божхона органлари, банклар, энергетика корхоналари, кадастр ва бошқаларнинг маълумотлари билан солиштириш), бунинг натижасида солиқ тўловчи солиқ ҳисоботига тузатишлар киритиши ёки асослантирилган сабабларни кўрсатиши керак.

Камерал солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғи бўлиши шарт. Шу билан бирга, камерал солиқ текшируви доирасида солиқ органининг мансабдор шахсига солиқ тўловчидан маълум бир солиқни ҳисоблашнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқи берилади, холос. Камерал солиқ текшируви натижалари бўйича молиявий санкциялар қўлланилмайди, лекин пеня ҳисобланиши мумкин.

Сайёр солиқ текширувининг мақсади эса фақат фактларни қайд этишдан иборат. Сайёр солиқ текшируви солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда бошқа мажбуриятлар бажарилиши масалаларида маълумот тўплаш учун амалга оширилади. Бунда текширув натижалари бўйича солиқлар қўшимча ҳисобланмайди ва молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Солиқ аудити — катта ҳажмдаги айланмаларда юқори даражада рискка эга бўлган солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунларига риоя этилишини ҳар томонлама ўрганишдан иборат бўлиб, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи ва солиқ тўлаш билан боғлиқ бошқа омиллар мавжуд бўлганда, уларни таҳлил қилиш асосида тегишли солиқ тўловчиларда ўтказилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Сенатор минбари

# ИМЗОЛИ БОНУС

## ЯНГИ ҚОНУН БИЛАН УНГА РУХСАТ БЕРИЛДИ.

*"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун кучга кирди.*

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 13 та қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритишни, шунингдек, 7 та қонунни ўз кучини йўқотган деб топишни назарда тутувчи 17 та моддадан иборат.

Жумладан, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунга "бонус", "имзоли бонус", "тижоратбоп топилма бонуси" тушунчаларини очиб беришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритилди.

"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган қўшимчага кўра, фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олган ер қаъридан фойдаланувчилар имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонусини тўлайди.

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловидир. Шу билан бирга, фойдали қазилманинг турига қараб имзоли бонуснинг энг кам миқдори ҳам белгиланган.

Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тижоратбоп топилма бонусини бўлиб-бўлиб тўлаш тартибини ҳамда қўмитага ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар тўғрисидаги ахборотни Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига тақдим этиш муддати белгиланди.

Қонун билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар белгилашга оид ваколати чиқарилди.

Шунингдек, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунларга солиқ ва йиғимлар тўлаш ҳамда улар тўлангач, фойда келиши тартибини назарда тутадиган ўзгартишлар киритилди.

**Одилжон ИМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА СУДДА ДАЪВОГАР БЎЛИШ ҲУҚУҚИ БЕРИЛИШИ МУМКИН

*Президентимизнинг "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида устувор мақсадлар кўзда тутилган. Уларга эришиш учун фуқаролик, оилавий, уй-жойга доир ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бола ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади. Бу, ўз навбатида, айрим қонунлардаги болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлашни назарда тутади.*

## Янги қонун лойиҳаси

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан "Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 18 ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, Ўзбекистон Республикасидан маъмурий тарзда чиқариб юборишни тақиқлашга доир норма киритилмоқда.

Шунингдек, Уй-жой кодексига ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар-жойларни улар Меҳрибонлик уйларига жойлаштирилган бутун вақт мобайнида бронлаштириш ҳуқуқини тақдим этиш тўғрисидаги қоида киритилмоқда. Бундан ташқари, Солиқ кодексига болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга фуқаролик ишлари бўйича киритилган даъволарни давлат божи тўлашдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги қоидани киритиш кўзда тутиляпти.

Фуқаролик процессуал кодексига вояга етмаган болаларнинг судга қилган бевосита мурожаатларини бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан кўрмасдан қолдиришнинг тақиқланиши, шунингдек, 14 ёшга тўлган вояга етмаганларга судда даъвогар бўлиш ҳуқуқининг берилиши тўғрисидаги қоида киритилмоқда. Эътиборли жиҳати, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқишнинг кафолатланиши назарда тутиляпти. Бунда бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги ҳуқуқи тўғрисидаги қоида акс этмоқда.

Айни пайтда парламент қуйи палатасида ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ҳужжатни янада такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

**Алия ЮНУСОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# МИРОБОД ТАЖРИБАСИ

## У ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАРГА АСОС БЎЛДИ?

*Ҳар қандай давлатнинг энг катта бойлиги, куч-қудрати ва салоҳияти фуқароларининг соғлиғи билан бевосита боғлиқ. Инсон саломатлиги унинг нафақат бугунги куни, балки наслига, келажак авлод баркамоллигига ҳам таъсир кўрсатади.*

*Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳам аслида ана шу омилга эътибор мужассамдир. Бундай изчил ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётдан, бугунги ислоҳотлардан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.*

**Бу** жараёнда мазкур соҳага масъул этиб белгиланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ҳам муайян ишлар қилиниб, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш, аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган хизматлар сифатини ошириш масалаларига эътибор ҳар қачонгидан кўра кучайди. Президентимизнинг ҳар бир вилоятда биттадан туман ва шаҳарни аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни намунали даражада ташкил этиш бўйича топшириғидан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрининг Миробод туманида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хўш, бу нималарда ўз аксини топди?

Аввало, тумандаги барча тиббиёт муассасалари биноларининг ҳолати хатловдан ўтказилиб, шу жараёнда аниқланган таъмирталаб тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ҳамда тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари якунланди.

Тумандаги бирламчи тиббиёт муассасаларида кадрлар етишмовчилиги масаласи тубдан ўрганиб чиқилиб, мавжуд 38 та вакант шифокорлик ўрни тўлдирилди.

— Туманда кундузги стационар фақат 2 та оилавий поликлиникада 20 та шифо ўрнига эга эди. Ўрганиш давомида бу поликлиникаларда ўринлар сони кўпайтирилди, қолган барча поликлиникаларда ҳам бундай стационарлар ташкил этилди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зумрад Бекатова.** — Янгидан 32 та кундузги шифо ўрни яратилиб, уларнинг сони 52 тага етказилди. Натижада шифокор назорати остида даволанишга муҳтож беморлар учун қулайлик яратилди. Хусусан, кундузги стационар ўринлари кўпайгани ҳисобига муҳтож беморларнинг стационар ёрдамдан фойдаланиш имконияти кенгайиб, ўтган йили 2018 йилдагига нисбатан бундай стационарларда даволанган беморлар сони қарийб 2 баробар кўпайди.

— Тумандаги тиббиёт муассасаларида ахборот-коммуникация тизимини яхшилаш мақсадида уларга жами 16 километр узунликдаги оптик толали алоқа кабели ётқизилди, бирламчи тиббиёт тизими учун жами 85 та компьютер жамламаси ва 15 та веб-камера етказиб берилди. Натижада тиббиёт муассасаларидаги интернетнинг сифати ҳамда тезлиги ошди. Туманда истиқомат қилувчи барча фуқаролар тўғрисида маълумот электрон базага киритилди. "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотни тезкорлик билан киритиш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги ортди. Муассасаларга 11 махсус модем ўрнатилиб, Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилди. Эндиликда поликлиникаларга келган фуқаролар интернет тармоғидан бепул фойдаланиш имконига эга, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Саматов.**

— Парламент қуйи палатаси депутатлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулларидан иборат ишчи гуруҳнинг амалий кўмаги билан туманимиздаги тиббиёт муассасалари иш фаолияти тубдан ўзгарди, — дейди **Миробод тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нигора Раззоқова.** — Шифокорлар бемор тўғрисидаги маълумотни қайд этиш, қабулдаги бемор саломатлиги ҳолати юзасидан олдинги маълумотларни олиш, беморлар саломатлигини мунтазам назорат қилиш учун замонавий ахборот-коммуникация тизимлари жорий этилиши натижасида шифокор кўпроқ вақтни беморни кўрикдан ўтказиш ҳамда унинг саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни ўрганишга сарфламоқда. Муассаса раҳбари шу тизим орқали хонада ўтирган ҳолда, шифокорлар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани аҳолининг малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имкониятини янада оширди, фуқароларнинг шифокорлар қабулига интернет тармоғи орқали ҳам ёзилиши учун шароит яратилди. Натижада поликлиникада узоқ вақт навбат кутиш ҳолатларининг олди олинди, тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш самарадорлиги ошди. Бу, ўз навбатида, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ижобий натижага эришишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига ишончи ошгани боис, уларнинг поликлиникаларга қатновлари сони ҳар бир аҳоли учун йилига 15,3 дан 15,5 га ортди. 2019 йилда профилактик кўрик учун қатновлар улуши 73,7 фоизни ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 5,3 фоиз кўпайди. Бирламчи касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан 827,3 дан 734 га камайди.

Ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва юқумли хасталиклар бўйича реестрлар ташкил қилинди. Масалан, сил касаллиги билан касалланиш 10 минг аҳолига нисбатан 44,2 дан 42 га, онкологик хасталиклар билан касалланиш 210,1 дан 147,2 га камайди.

Гўдаклар ўлими 2 ҳолатга, интенсив кўрсаткичи 6,4 дан 6,0 промиллега камайди. Оналар ўлими қайд этилмади.

Тиббиёт бирлашмаси ва тез тиббий ёрдам хизмати ўртасида интеграциянинг йўлга қўйилиши туфайли туман аҳолисидан тез тиббий ёрдам бўйича чақирувлар 2019 йилда 2018 йилдагига нисбатан 8,7 фоиз, жумладан, сурункали касалликлар бўйича чақирувлар улуши 0,6 фоиздан 0,5 фоизга камайди.

Аҳолининг малакали бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан кенг фойдаланиш имкониятини янада ошириш, ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш ва бундай хизматлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида Тиббиёт бирлашмасининг ижтимоий тармоқларда саҳифаси очилди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ўзаро ва тез тиббий ёрдам хизмати билан интеграцияси, яъни фаолияти юзасидан маълумот алмашинуви кучайди. Аҳолининг тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган хизматлар юзасидан маълумотга эга бўлиш, мурожаатлар, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдириш имкони яратилди.

— Кўп тармоқли туман марказий поликлиникасидаги аёллар маслаҳатхонаси, қизлар саломатлик маркази ва пренатал скрининг хоналари фаолияти самарадорлиги янада ошди, — дейди **шифокор Нодира Зоҳидова**. — Кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси ҳамда ҳудуддаги оилавий поликлиникалар ва туғуруқ комплекси ўртасида ўзаро интеграция йўлга қўйилди, туғиш ёшидаги аёллар ва ҳомиладорларнинг реестри янгиланди. Пренатал скрининг хонаси юқори сезувчанликка эга УТД аппарати билан таъминланди. Бу эса кўп тармоқли туман марказий поликлиникасининг ўзида ҳомиладорларнинг барчасини 100 фоиз пренатал текширувдан ўтказиб, аёллар саломатлигидаги ўзгаришларни ёки ҳомила ривожланишидаги нуқсонларни эрта аниқлаш имконини кенгайтирди. Олдин бундай текширувлардан ўтказиш учун фақат хавфли гуруҳдаги ҳомиладорларгина "Она ва бола скрининг маркази"га юборишарди. Биргина 2019 йилнинг ўзида 2105 нафар ҳомиладор аёл ультратовуш текширувидан ўтказилди. Ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонлари аниқланиб, ҳомиладорлик вақтидан олдин тўхтатилиши натижасида 11 нафар туғма ногирон бола туғилишининг олди олинди.

Натижада асоратли ҳомиладорлик ва туғуруқ ўтган йили 2018 йилдагига нисбатан 25 тага камайди, 2019 йилда 15 — 17 ёш ва 45 ёшдан катта аёллар орасида туғуруқлар қайд этилмади, туғуруқлар регионализацияси таъминланди.

Умуман, туманда тиббий хизматлар сифатини ошириш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар Мирободни намунали туманга айлантирди. Бу аҳолининг давлатдан рози бўлиб яшашида муҳим омил бўлмоқда.

— Дарҳақиқат, туманимиздаги тиббиёт муассасаларида қисқа муддатда бундай катта ўзгаришлар бўлишини кутмаган эдик, — дейди **мирободлик Дилдора Собирова**. — Илгари поликлиника ёки шифохоналарда турнақатор навбатда туриш беморларнинг тинкасини қуритарди, керакли шифокорнинг бор-йўқлигини билиш учун ҳам тиббиёт муассасасига борилар эди. Энди барчаси электронлаштирилган. Уйда ўтириб ҳам қайси шифокор керак бўлса, қабулига онлайн ёзилиш мумкин. Беморлар хаста ҳолига сарсон бўлмайди, ортиқча вақт сарфламайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари томонидан пойтахтимизнинг Миробод туманида бошланган бундай кенг кўламли ишлар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам изчил давом эттирилади.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРАЁТГАНИНИ ИСБОТЛАДИ

## БУНИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА.

1

Ҳатто мазкур ҳудудларга юборилган гуманитар ёрдам ортилган юк машиналари давлатлараро муносабатларнинг мураккаблиги, чигаллиги туфайли бир неча кунлаб чегараларда туриб қоларди. “Чегара постларидаги ночорлик юракни ўртаяпти, болам”, деганди бир мўйсафид кўзларида ёш қалқиб.

Қўшни мамлакатлар ўртасидаги чегаралараро зиддиятлар, сансалорликлар, қонунбузилишлар, ўзаро нифоқ, ишончсизлик — барча-барчасига давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан барҳам берилди. Президентимиз фаолиятининг илк кунлариданоқ қўшни мамлакатлар билан дўстлик, биродарлик алоқаларини тиклади. Ўртадаги ғовлар, тўсиқлар олиб ташланди. Чегара постлари очилган кунларда бир дарёдан сув ичган, дини, тили бир, қуда-анда, оға-ини бўлиб кетган, лекин йиллаб чегарадаги муаммолар сабаб бир-бирини кўролмаган минг-минглаб одамлар кўзида қувонч ёшлари билан қўлини дуога очиб, Ўзбекистондаги янгиланишларга шукроналар айтишди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун юртимизда чинакам фуқаролик жамияти шаклланяпти. Аҳоли ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши англаб, фикр, мақсадларини эмин-эркин айта оляпти. Парламент, Ҳукумат томонидан муҳокамага қўйилаётган қатор ҳужжатлар лойиҳаларига таклифлари, муносабатларини билдиряпти. Вазирлик ва идоралар мутасаддилари фаолиятига уларнинг халққа яқинлигига қараб баҳо берилмоқда. Халқимиз дунёқарашидаги бу ўзгаришлар юртимизда сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситалари фаолиятига кенг имкониятлар яратилаётганлиги билан бевосита боғлиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охирги иш кунида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди ва 2020 йилдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Ана шу анжуманда қўлга киритилган натижалар эътироф этилиб, бундай муваффақиятлар 2020 йилда давомли бўлиши, янада яхшиланиши учун тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

**Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслиги, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади. Бундай дейилиши бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз жорий йилда ўз тараққиёти учун юксак ва улуғ марраларни кўзлаган.**

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслиги, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади. Бундай дейилиши бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз жорий йилда ўз тараққиёти учун юксак ва улуғ марраларни кўзлаган.

Дарвоқе, 2020 йилнинг дастлабки кунларида Анқарадан хушхабар эшитдик. Президентимиз Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси томонидан таъсис этилган “Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун” халқаро мукофотига сазовор бўлди. Мукофот соҳибининг исми шарифи ТУРКСАВ ҳайъати коллегиал қўмитаси томонидан Туркия ва хорижий давлатларнинг таниқли сиёсатчилари, иқтисодчилари, фан ва санъат намояндаларининг 2019 йилдаги фаолиятини ўрганиш натижалари асосида эълон қилинган. Бу ҳам катта эътироф! Хушхабар миллионлаб юртдошларимизни қувонтиргани, шубҳасиз.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида тўғри йўлдан бораётганини исботлади. Демак, келгусида ютуқларимиз бундан-да баланд бўлади.

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Ўзбекистон халқ шоираси.**

# ҚИШДА ҲАМ ИПАК ҚУРТИ БОҚСА БЎЛАДИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

1

— Етиштирилган хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, сифатли ипак матолар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида охирги бир йилда 67,7 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган 11 корхона модернизация қилинди, пиллани қайта ишловчи 15 та корхона, ипак қурти уруғи ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи шохобчалар ишга туширилди, — дейди “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси ўринбосари Олим Жумаев. — Лекин ҳозир ишлаб чиқарилаётган айрим ипак матоларимиз Европа стандартларига жавоб бермайди. Бу — аччиқ ҳақиқат. Биз юқори сифатга эришиш учун ишни қуйидан — озуқа базасини мустаҳкамлашдан бошладик. 2025 йилга бориб, пилла етиштириш ва қайта ишлаш бўйича Хитойдан ўзиб кетиб, дунёда биринчи ўринга чиқишни мақсад қилганмиз.

Айтиш жоизки, юртимиз пиллачилари кейинги пайтда қўшни давлатларда ҳам ипак қурти парваришлаб, муҳим саноат хом ашёси етиштиришмоқда. Масалан, 2018 йилдан буён Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг айрим ҳудудларида ҳамкорликда пилла етиштириш йўлга қўйилди. Шу кунларда хоразмлик соҳа вакиллари Озарбайжонда бўлиб, пилла етиштириш бўйича амалий ишлар олиб боришяпти.

Яна бир янгилик. Юртимизда ипак қурти учун сунъий озуқа яратилди.

— Бу борада илмий изланишлар кўп йиллар олдин бошланган бўлиб, 18 моддадан таркиб топган маҳсулот яратилди, — дейди Ипакчилик илмий-тадқиқот институти директори Шуҳрат Абдулазизов. — Лекин айрим моддалар четдан олиб келиниши ва қимматлиги учун ушбу янгилик ҳали оммалашмай турибди. Уларни ўзимизда тайёрлашни ўзлаштирсак, қишда ҳам ипак қурти боқсак бўлади.

Дарвоқе, анжуман иштирокчилари эътиборига сунъий озуқа ва у билан боқилган ипак қурти ўраган пилла ҳам ҳавола этилди. Шунингдек, шу йилнинг март ойида ўтказилиши режалаштирилган йирик инвестиция форумига тайёргарлик ҳақида маълумот берилди. Унда ипакчилик ва дунё мода оламида ўз ўрнига эга бўлган жаҳоннинг 40 та давлатидан мутахассислар қатнашиши кутилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ АВЛОД — ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

1

Сўзга чиққан йигит-қизлар мамлакатимизда бошланган янги давр, барча соҳада кечаётган ислоҳотларни ҳар бир ёшга етказиш, бу борада ўз ижоди билан муносиб ҳисса қўшиш, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш, ижтимоий тармоқлар, интернет имкониятларидан фойдаланиб, мамлакатимиз тарихи, маънавияти, буюк аждодларимиз мероси, бугунги янгиланишлар жараёни билан жаҳон аҳлини мунтазам таништириб бориш, барча соҳада фидойилик билан меҳнат қилаётган бунёдкор йигит-қизлар ҳақида бадиий асарлар яратиш борасида ўз ташаббусларини билдирдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ҳар бир ёш ўз фикрларини эркин баён қилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари уларнинг истиқболли таклиф ва мулоҳазаларини ўзлари учун белгилаб олдилар. Уларни ҳаётга татбиқ этиш олдиларидаги энг муҳим вазифалардан бири эканини қайд этдилар.



## *Сўз — тадбир иштирокчиларига*



**Дилбархон ХОЛЖИГИТОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, таэквондо бўйича жаҳон чемпиони:**

— Учрашув, ҳақиқатан ҳам, Президентимиз айтганидек ва ёшлар истагандек, очиқ мулоқот бўлди. Юртбошимиз “Сизларнинг орангизда “Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!” деб кўзи ёниб турган, жасоратли, ифтихор қилса арзийдиган йигит-қизлар борлигига ишонаман!”, деганида бутун залдаги ёшлар ўз ҳаяжон ва ҳиссиётларини яшира олмади.

Давлатимиз раҳбари ёшларга оид ҳар бир соҳага алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтди. Албатта, соҳада эришилаётган ютуқлар билан бирга, камчиликлар, оғриқли нуқталар ҳам борлигини таъкидлади. Айниқса, ёш оилалардаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш, аҳилликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, маънавиятини юксалтириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина эканини таъкидлади.

Президентимиз ҳар биримизнинг кўзимизга қараб гапирганларида залда ўтирган ёшлар қатори мен ҳам бугун бизга қанчалик ишонч билдирилаётгани, халқимиз учун, шу юрт, шу миллат учун ёниб яшашимиз кераклигини ич-ичимдан яна бир бор ҳис этдим. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда “Соғлом миллат — соғлом келажак!” миллий стратегиясини амалга ошириш таклифи бир спортчи сифатида мени ғоятда қувонтирди. Зеро, мазкур стратегия Ўзбекистонимизда ҳар томонлама соғлом авлодни улғайтириш, жумладан, юрт шаънини янада улуғлайдиган спортчиларни камолга етказишга катта ҳисса қўшади.

**Шарофиддин ХОНИМОВ,**
**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши бош мутахассиси:**



— Президентимиз билан учрашув биз, ёшлар учун тарихий воқеа бўлди. Сирасини айтганда, бундай учрашувлар бизга жуда кўп нарса беради. Жумладан, давлатимиз раҳбари иштирокидаги тадбирдан мотивация, энергия, янги шукуҳ ва янги истиқболли лойиҳалар учун катта куч олдик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзимдан келиб чиқадиган бўлсам, фаолият олиб бораётган соҳамга тегишли жуда кўп устувор ғоялар, янги йўналишлар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим лойиҳаларни белгилаб олдим. Хусусан, жамиятимизда ҳуқуқий соҳада янгилик деса ҳам бўладиган вояга етмаганлар ўртасида одил судловни амалга оширишда янги тизим яратиш, ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор лойиҳаларни ишлаб чиқмоқдамиз. Масалан, мазкур йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ёшлар масалалари” бўйича алоҳида қўмита ташкил қилиш, шу билан бирга, мамлакатимизда “Болалар парламенти”ни йўлга қўйиш режалаштирилган. Зеро, ёшлар ўртасида содир бўлаётган барча тартиббузарликлар ҳамда жиноятлар уларнинг иш билан таъминланмагани ҳамда барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмаслиги оқибатидир.

**Дилфуза МАҲКАМОВА,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси:**



— Юртбошимизнинг “Ишонса арзийдиган, суянса тоғ бўладиган, жаҳон айвонида мағрур турадиган ёшлар бизга қандай катта куч ва қудрат бағишлашини бир тасаввур этинг!” деган сўзларидан ниҳоятда тўлқинландик. Бу ишонч ва эътибор ҳар биримизни янги марраларга ундайди.

Бугун жамиятнинг қай жабҳасига қараманг, ёшлар сидқидилдан меҳнат қилаётгани, ўз иқтидор ва салоҳиятини юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар этаётганининг гувоҳи бўласиз. Хоҳ у спорт, хоҳ санъат ёки илм-фан соҳаси бўлсин, ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан тенгма-тенг рақобатга киришмоқда, баъзи йўналишларда ҳатто уларга ўрнак ҳам бўляпти. Лекин Президентимиз биздан янада кўпроқ натижаларни кутмоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Шу маънода, бугунги ёшларимиз даврдан ортда қолмаслиги, доимо замондан бир қадам илгари қадам ташлаши керак”. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ҳам айни мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур ташаббуслар ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашдек муҳим ҳаётий вазифаларни ўз ичига олган. Президентимиз учрашувда бу борадаги ишлар янада кенг қулоч ёйишини қайд этди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Чунки биргина китобхонликнинг ҳаётимиздаги ўрни бениҳоя катта. Китоб билимимизни оширибгина қолмай, маънавий оламимизни ҳам бойитади, гўё маёқ мисоли бир умр йўлларимизни ёритиб туради.



**Бобур КАРИМОВ,**
**Тошкент халқаро Вестминстер университети талабаси:**

— Мен бу учрашувдан ўзим учун беқиёс куч ва руҳий қувват олдим. Юртбошимиз томонидан айтилган гаплар, фикрлар қулоқларимиз остида ҳали-ҳамон жаранглаб, бизни юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Президентимиз учрашувда Янги Ўзбекистонни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини таъкидлади. Бу биз, ёшлар учун юксак шараф, айни пайтда зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Юртбошимиз Японияга расмий ташрифи давомида жаҳонга машҳур Нагоя университетида бўлганини, биргина шу университетнинг ўзида олти нафар олим Нобель мукофотини олганини айтди. Шу пайт хаёлимдан бизнинг мамлакатимиздан ҳам бир кун келиб, Нобель мукофотига сазовор бўладиган олимлар етишиб чиқади, деган ўй ўтди.

Маълумки, Япония Иккинчи жаҳон урушидан катта талафот кўрганида мамлакатни қийинчиликдан олиб чиқадиган ягона нажот — бу илм-фан эканини тушуниб етади. Шу йўлда олиб борилган саъй-ҳаракатлар, изланишлар ўз натижасини кўрсатиб, Кунчиқар юрт бугун ўзининг техника ва технология соҳасида дунёга ўрнак бўладиган давлатга айланди. Бугун юртимизда ҳам инновация, илм-фанни ривожлантириш, китобхонликни тарғиб этиш борасида тизимли ишлар олиб борилияпти. Ўйлайманки, ана шундай эътибор ва рағбат яқин келажакда ўз мевасини беради, Ўзбекистон ҳам бу соҳада пешқадам мамлакатлардан бирига айланади. Бунинг учун биз, ёшлар белимизни маҳкам боғлаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида ўз куч ва салоҳиятимизни ишга солишга ваъда берамиз.

**Гулчирой ИСОҚОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:**



— Мамлакатимизда ёшларни китобхонликка жалб қилиш учун турли тадбирлар, танлов ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётгани барчани қувонтирмоқда. Мисол учун, “Маърифат карвони” тадбирлари доирасида ҳудудлардаги ёшларга 3 миллиондан ортиқ китоблар етказиб берилди ва бу ишлар давом этмоқда. Президентимиз учрашувда тегишли мутасаддиларга 2020 — 2025 йиллар учун Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Бу, ўз навбатида, бу борада олиб борилаётган ишлар ривожига туртки беради. Бўлажак журналист бўлганим боис Юртбошимизнинг яна бир ташаббусини қизиқиш билан қабул қилдим. Давлатимиз раҳбари ўқувчиларнинг маънавий ва маърифий саводхонлигини ҳамда ўз фикрини эркин ва равон ифодалаш қобилиятини кучайтириш мақсадида иншолар танловини ўтказиш, мамлакатимизда ўзбек тили изоҳли луғатининг мукаммал электрон базасини яратиш таклифини илгари сурди. Бундай ташаббусларнинг ижроси она тилимизни янада ривожлантириш, келажакда шу соҳада илмий изланишлар олиб борадиган малакали ёш кадрларни етиштиришга туртки беради, деб ўйлайман.

**Жавлонбек ҲАМДАМОВ,**
**Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси:**



— Буюк келажакни соғлом миллатгина қура олади. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусда ҳам ёшларни спортга кенг жалб этиш вазифаси белгиланган. Юртбошимиз учрашувда ҳамманинг эътиборини яна бир бор ана шу масалага қаратди. Сўнгги йилларда мазкур соҳага берилаётган эътибор ўз самарасини кўрсатиб, кўплаб спорт турлари бўйича ўтказилаётган қитъа, жаҳон чемпионати, Олимпия ўйинларида спортчиларимиз муваффақият қозонмоқда. Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. Давлатимиз раҳбари спортни оммалаштириш йўналишида 2019 — 2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланганини айтиб ўтди. Соғлом миллатни камолга етказишга қаратилган миллий стратегияни ишлаб чиқиб, амалга оширишни таклиф қилди. Мазкур ташаббуслар ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи».**

# КУННИНГ ИСТАЛГАН ПАЙТИДА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН

1

Хусусан, Бўстон ва Истиқлол маҳаллалари ҳудудидаги кўп қаватли уйлардан 63 тасининг томи, ертўласи, фасад қисми, кириш йўлаклари мукаммал ва жорий таъмирланди, ўнлаб кириш йўлакларига янги электр тақсимловчи қутилар, темир эшиклар, фрамуга ойналари ўрнатилди. Барчасининг атрофи тўлиқ ободонлаштирилди.

— Мавзеимизда аҳоли дам оладиган ва сайр қиладиган тайинли маскан йўқ эди, — дейди “Бўстон” МФЙ раиси Ойбек Мамадалиев. — Шукрки, вилоят ва шаҳар секторлари раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан истироҳат боғи барпо этиладиган бўлди. Ҳадемай “Дўстлик” каналига ёндош, ташландиқ ҳолда ётган ҳудудда савдо, хизмат кўрсатувчи шохобчалар билан бирга хиёбон ҳам очилади. Бунгача эса кўп қаватли уйлар олдидаги 4 та болалар майдончаси таъмирланиб, уларга яна 6 та янгиси қўшилди ва 4 та кичик футбол майдони барпо этилди.

Сектор ҳудудида амалга оширилаётган бундай ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга янгиликлар талайгина. Яқинда Улуғобод маҳалласида 100 ўринли “Юлдузли ниҳол” нодавлат мактабгача таълим муассасаси ишга туширилди. Яна шу маҳаллада тадбиркор Дилрабо Зарипова томонидан оилавий уй боғчаси ҳам ташкил қилинди. Ҳудуддаги марказий поликлиника кўп тармоқли поликлиникага айлантирилди. Улуғобод маҳалласида эса 1-оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилди. Улуғобод маҳалласида 1,6 километр ва Истиқлол маҳалласида эса 1 километр ички йўлга асфальт ётқизилди. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 312 та оилага жами 7 миллиард 100 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Икки юзга яқин фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Ногиронлиги бўлган шахсларга турли ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Яна бир жиҳат, секторнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат ташкилотлари, фаоллар, таълим муассасалари ва бевосита аҳоли билан ҳамкорликда кўраётган профилактик тадбирлари туфайли жиноятчилик ва турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кескин камайиши кузатилмоқда.

Энг муҳими, аҳоли секторлар фаолияти тимсолида Президентимизнинг “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ғоясининг амалдаги ифодасини ҳис қилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ҚОРАКЎЛДАГИ ҲАРБИЙ ҚИСМ БАЙРАМ АРАФАСИДА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

*Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги тасарруфидаги Қоракўл туманида жойлашган ҳарбий қисмнинг шахсий таркиби учун 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 28 йиллиги қўшалоқ байрамга айланадиган бўлди.*



Гап шундаки, айём арафасида ҳарбий қисм шахсий таркиби учун янги, ҳар томонлама қулай, зарур шарт-шароитларга эга ўқув биноси, спорт мажмуаси ва маданият маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мазкур мажмуаларнинг очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, фойдаланишга топширилган бинолар ҳарбий хизматчиларда жанговар руҳни юксалтириш, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан сўнг, ташриф буюрганлар янги биноларни кўздан кечириб, ҳарбий хизматчилар учун яратилган қулайликларга гувоҳ бўлдилар.

Қурол-яроғ, ҳарбий техникалар намойиши, қўл жанги чиқишлари ва концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида жанговар-хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар фахрий ёрлиқ, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган “Мардлик мактаби” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.*

## Тақдимот

Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида чоп этилган ушбу китоб Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви қошидаги Фаол фахрий ижодкорлар жамоатчилик кенгаши томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, ундан шеърлар, ҳикоялар, публицистик мақолалар жой олган.




Тадбирда осмонимиз мусаффолиги, эл-юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида фашизмга қарши мардларча курашган, Ватани, халқи, ҳарбий қасамёдига содиқ қолиб, матонат кўрсатган Ватан фидойилари хотирасини ёд этиш халқимизга хос фазилат эканлиги қайд этилди.

Мард ва жасур ота-боболаримиз дунёдаги эзгу ниятли халқлар қаторида бу мудҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. Уларнинг сўнмас жасорати, мана, 75 йилдирки, биз учун мардлик мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда.

Маълумотларга қараганда, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллиондан ортиқ юртдошларимиз қатнашган. Агар 1941 йилда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, ёш болалар, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроқ азамат ўғлонлари қўлига қурол олиб, аёвсиз жанг майдонларига кирган. Меҳрибон ота-онаси, азиз фарзандлари, табаррук юрт тупроғини ҳимоя қилишга отланган ботир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, қаҳрамонлик кўрсатган.

Юртдошларимиз жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур “Мардлик мактаби” китобидан ўрин олган бадиий ва публицистик асарлар бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга, ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Молия муассасаларида

TURON BANK

*Техника ва технологиялар қанчалик тараққий этмасин, халқнинг иқтисодий, маънавий ва маданий-маиший ҳаётини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда мамлакатимизда ушбу тармоқ ривожига катта эътибор қаратилиб, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш йўлга қўйилмоқда. Сабаби республикамиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилади ва уларнинг кўпчилиги мазкур йўналишда зарур бўлган малака, кўникма ва тажрибага эга.*

# «ТУРОНБАНК» КРЕДИТИ

## ЭВАЗИГА КЎП ТАРМОҚЛИ ЛИМОНЗОР ИШ БОШЛАЙДИ

Айниқса, таркибида юрак-қон томир тизими касалликларининг олдини олувчи ва даволовчи шифобахш моддалар мавжуд бўлган, цитрус мевалар оиласига мансуб лимон маҳсулотини тайёрлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ўсимликни парваришлаш бизга XX асрнинг иккинчи ярмида кириб келганига қарамасдан, миришкорларимизнинг изланишлари натижасида унинг “Тошкент”, “Юбилейний” сингари ўнга яқин турлари яратилиб, хорижда ҳам кенг оммалашиб боряпти.

10 гектар майдонда цитрус ўсимликларини кўпайтириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган лимонзор ташкил этишни мақсад қилган самарқандлик ишбилармон Садриддин Ҳакимов фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин. Вилоятнинг Каттақўрғон туманида иш бошлаш учун “Қўшҳовуз” МЧЖ раҳбари “Туронбанк” АТБнинг 2,5 миллион долларлик молиявий кўмагидан фойдаланиб, Россия давлатидан замонавий томчилатиб суғориш тизимини олиб келди ва қурилиш ишларини бошлаб юборди. Айни пайтда экинларни эртароқ етиштириш, ҳосилдорликни бирмунча оширишга хизмат қилувчи синтетик плёнкалар ўрнатилмоқда.



Иссиқхона агрономининг сўзларига кўра, 2020 йил бошида 16 минг дона “Тошкент” навли лимон кўчати экилиши ва уч йилдан сўнг уларнинг ҳар биридан 30 — 40 килограмм ҳосил олиниши режалаштирилмоқда. Бу жараёнда эса автоматлаштирилган томчилатиб суғориш технологияси жуда қўл келар экан. Сабаби у сувнинг меъёрида сарфланишини таъминлайди, намлик ҳолатларини келтириб чиқармайди.

— Лимон мевалари ва ундан тайёрланган бетакрор шарбатлар кўпгина хорижий мамлакатлар аҳолисининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларидан бирига айланиб улгурган, — дейди “Қўшҳовуз” МЧЖ раҳбари Садриддин Ҳакимов. — Лимон меваларининг бу қадар кенг тарқалиши уларнинг беқиёс таъми, витаминга бойлиги, ҳушбўйлиги, қайта ишлаш, сақлаш ва ташишга яроқлилиги, етиштириш ва кўпайтиришнинг мураккаб эмаслиги билан боғлиқ. Ушбу табиат инъомининг мана шундай афзалликларини инобатга олган ҳолда биз ҳам шу фаолият тури билан шуғулланишни бошладик. Катта бир лимонзор ташкил этиш учун барча зарурий ишларни бажардик. Энг катта кўмак “Туронбанк” АТБ томонидан кўрсатилди. Бизнес режамизни тўлиқ ўрганиб чиққан ҳолда банк вакиллари корхонамизга ишонч билдиришди ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, 10 гектарлик майдонда нафақат замонавий иссиқхона, балки махсус музлаткич ўрнатишни ҳам режалаштирмоқдамиз. Биз лимонларни ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш билан бирга, шу ернинг ўзида қайта ишлаб, мураббо тайёрлашни кўзда тутяпмиз.

**Бугунги кунга келиб лимонни нафақат етиштириш, балки уни қайта ишлаб, сифатли консерваланган шарбатлар, мураббо, қиём, мармелад, салқин ҳамда шифобахш ичимликлар тайёрлаш, энг муҳими, замонавий иссиқхоналар ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Юрт ривожи, халқ фаровонлигига ҳисса қўшиш ниятида бўлган бу каби ишбилармонларнинг ташаббус ва ғоялари қўллаб-қувватланса, кўзланган мақсадга, албатта, эришилади. “Туронбанк” АТБ ҳам ана шундай қатъий мақсадга эга ғайратли тадбиркорларга кўмак беришни энг муҳим вазифа деб билади.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

**ЭЪЛОН**

**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дархон маҳалласида жойлашган «Navbahor» санаторийси тиббий ускуна ва анжомлар сотиб олади.**

*Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Дархон маҳалласи, Дархон кўчаси, 201-уй.*

**Телефонлар: 98-303-00-81, 99-393-00-81.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6